

## **Кафедра фаолиятига назар**

Бугун 2-март куни ТИҚХММИ Қарши филиали ҳузуридаги Академик лицейнинг иқтидорли ўқувчиларидан иборат делегация аъзолари институтимизда олиб борилаётган илмий фаолият, талабаларга яратилган имкониятлар ва лаборатория қурилмалари билан танишишди.



Куннинг иккинчи ярмида делегация аъзолари институтимизнинг “Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедраси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Кафедра мудири Д.Қодиров ўқувчиларга кафедра умумий фаолияти, тарихи, ўқув ва ўқув лаборатория хоналари ҳамда кафедрада мавжуд бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари тўғрисида тўлиқ маълумот берди.



Бундан ташқари кафедра таянч докторанти Н.Абдуғаниев ва кафедранинг иқтидорли ҳамда фаол талабаси С.Парпиевалар ўзларининг бугунги кунда олиб бораётган илмий изланишлари билан ўқувчиларни яқиндан таниширишди. Учрашув давомида делегация аъзолари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**ЭТВАҚТЭМ кафедраси таянч докторанти Н.Абдуғаниев  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**